Ушбу сонда:

2 «Ишонч» фош этади МОЙЖУВОЗЧИ «ТАДБИРКОР»

3 НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБ

4 «МЕҲРИБОНЛИК УЙИ» – МАҲАЛЛА ОТАЛИҒИДА

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ. ОЛИЙ БАХТ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2004 йил 18 феврал, чоршанба № 27 (1660)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Б.А.Матлюбовни Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг раиси этиб тайинлаш тўғрисида

Баҳодир Аҳмедович Матлюбов Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг раиси этиб тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 17 феврал

ОЛИЙ МАЖЛИСДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитасида 2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси ва ҳуқуқий асослари масаласига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис депутатлари, алоқадор вазирлик ва идоралар, корпорация ва уюшмалар ҳамда ташкилотларнинг раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишни қўмита раиси И.Қаландаров бошқарди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимизда фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада тегишли қонун ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги ва «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда ҳукумат қарорлари қабул қилинган.

Юртимизда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 14 фоизи фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келаётир. Етиштирилаётган жами ғалла ва пахта ҳосилининг учдан бир қисми фермерлар меҳнатининг маҳсулидир. Бундай хўжаликларда ердан унумли фойдаланиш натижасида маҳсулот таннархи пасайиб бораётгани диққатга сазовордир.

МУКОФОТ СОҲИБАЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасида Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда талабалар, Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари иштирок этди.

Тадбирни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова бошқарди.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этиши, ёш авлод тарбияси билан шуғулланиши учун кенг имкон яратиб берилган. Иқтидорли қизларни қўллаб-қувватлашга, улар истеъдодини камол топтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан Зулфия номидаги Давлат мукофотининг таъсис этилгани ҳам бунинг ёрқин далилидир.

Юртбошимизнинг Фармонига мувофиқ ҳар йили ушбу мукофотга аъло ҳулқи, ўқишдаги ютуқлари, ижтимоий фаоллиги билан назарга тушган, истиқлол ғояларини амалга оширишга астойдил интилаётган 25 ёшгача бўлган қизлар сазовор бўлаётир. Нуфузли мукофот уларнинг адабиёт, санъат, фан ва маданият соҳасидаги ижодий фаолиятини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу йил ҳам мазкур мукофотга барча вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида истиқомат қилаётган иқтидорли қизларнинг номзоди кўрсатилган.

(ЎзА)

КЎПРИК ҚУРИЛИШИ НИҲОЯСИГА ЕТМОҚДА

Айни кунларда Ҳазорасп туманидаги «Шарқ юлдузи» ширкат хўжалиги билан Қорақалпоғистон республикасининг Тўрткўл тумани «Мискин» ширкат хўжалигини туташтирувчи улкан иншоот – «Амударё» кўприги қурилиши ниҳоясига етказилмоқда. Уни республика «Кўприккурилиш» трести бунёдкорлари барпо этмоқда.

Узунлиги 660 метр масофадаги мазкур темирйўл ва автомобил йўли кўпригининг қурилиши мамлакатимиз иқтисодиёти учун муҳим аҳамиятга эга. Энг муҳими, у Хоразм ва қорақалпоқ халқи ўртасида дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлайди.

Бунёдкорлар ушбу улкан кўприкни «Наврўз» байрамига тухфа қилишмоқчи.

Суратларда: кўприк қурилишидан лавҳалар.

Р.ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар

ИККИТА ЯНГИ ЛОЙИҲА

Жаҳон банкининг Ўзбекистондаги ваколатхонасида иккита янги лойиҳа - «Саломатлик-II» ва ОИТСга қарши кураш бўйича Марказий Осиё минтақавий лойиҳаси муҳокамасига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилишга қаратилган Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури ижросини таъминлашга қаратилган кўплаб лойиҳалар амалга оширилди. Бунда соғлиқни сақлаш тизимини молиялашнинг аниқ механизмини ишлаб чиқиш, тиббий муассасалар ва кадрлардан тўғри фойдаланиш, шошилинч ёрдам кўрсатишни яхшилашга асосий эътибор берилмоқда.

Бу ишга кўпгина халқаро ташкилотлар - Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки (ОТБ), АҚШнинг Халқаро тараққиёт агентлиги (ЮСАИД), ЮНЭЙДС ва бошқалар ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда.

«Саломатлик-II» аввалгисининг мантиқий давоми бўлиб, қишлоқ жойларида соғлиқни сақлаш тизими бирламчи бўғинини ислоҳ қилишга йўналтирилган.

ОИТСга қарши кураш бўйича Марказий Осиё минтақавий лойиҳаси ОИТСнинг иқтисодиёт ва аҳолига салбий таъсирини камайтиришга хизмат қилади. Лойиҳа Марказий Осиёда бу касалликка қарши курашда зарур минтақавий мувофиқлаштиришни таъминлайди ҳамда минтақа мамлакатларида амалга оширилаётган дастур ва лойиҳаларга қўшимча вазифасини ўтайди.

Лойиҳа 2006 йилдан кучга киради. У фақат минтақавий даражада амалга оширилиши мумкин бўлган чора-тадбирларга асосий эътиборни қаратади. Лойиҳа Халқаро ривожланиш уюшмасининг 25 миллион АҚШ доллари миқдоридаги гранти доирасида молияланади.

(ЎзА)

Маъмурият ва касаба уюшма ҳамкорлиги

МЕҲНАТ МУҲОФАЗАСИГА 1 МИЛЛИАРД 34 МИЛЛИОН СЎМ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раёсатининг 2003 йил 18 мартдаги «Ўзбекистон касаба уюшмалари тузилмасини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори талаблари асосида жойларда қандай ўзгаришлар юз берди? Тармоқда иш услубини такомиллаштириш, бошқарувни ихчам ва ишчан ҳолатга келтириш соҳасидаги янгиликлар нималардан иборат?

Мухбиримизнинг касаба уюшмалари Қашқадарё вилоят Кенгаши раиси Эсон Ражабов билан суҳбати ҳам ана шу хусусида бўлди.

– Амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, халқ фаровонлигини яхшилаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар, бунёдкорлик, ободончилик ва маданий қурилиш борасида олиб борилаётган амалий ишлар ўз самарасини кўрсатмоқда.

Табиат қийинчиликларини мардонавор енгган воҳа меҳнат аҳли ғаллачилик тарихида биринчи бор 700 минг тонналик улкан хирмон яратдилар. Пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни миқдори кўпайди. Вилоят эҳтиёжи учун етарли дон етиштирилиши билан бирга хорижга ҳам экспорт қилиняпти. Пахтачиликда 42 фоиз рентабелликка эришилди. Ғалла ва пахтадан олинган соф фойда 40 миллиард сўмдан ошиб кетди.

Хусусийлаштириш ва мулк шаклларининг ўзгариши касаба уюшмалари тизимини такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Фаолияти жиҳатидан бир-бирига яқин савдо, умумий овқатланиш, матлубот кооперацияси, тадбиркорликнинг турли шакллари ҳамда кичик ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касаба уюшмалари бирлаштирилди. Аъзолари сони 30 мингдан кўп бўлмаган ёқилғи-энергетика, геология ва кимё саноати, давлат муассасалари ва жамоат хизмати, енгил, мебел саноати, коммуналмаиший хизмат, алоқа қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати, автотранспорт ва йўл хўжалиги, маданият ходимлари касаба уюшмалари Марказий қўмиталарининг вакилларига айлантирилди. Худди шундай тузилмалар шаҳар ва туманларда ҳам ташкил топди.

Тармоқлар бўйича тузилган вакиллар тўғрисида Низомлар қабул қилинган. Эндиликда асосий эътибор бошланғич ташкилотлар ташкилотчилик фаолиятини мустаҳкамлашга қаратилган.

Ҳозирги кунда 3 та тармоқ касаба уюшма вилоят қўмитаси, 1 та кенгаш ва 7 та тармоқ касаба уюшма марказий қўмитасининг вакиллиги ишлаб турибди. Вилоятда 2813 та бошланғич ташкилотлари бўлиб, улар ўз сафларига 543 минг 259 нафар аъзоларни бирлаштирган. Кейинги бир йил мобайнида 476 та бошланғич ташкилотлар цех қўмиталарига айлантирилди.

Фуқароларнинг меҳнат, ижтимоий, иқтисодий, маънавий, интеллектуал ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилишда маъмурият билан ҳаракат бирлиги ва мақсадлар муштараклигига эришиляпти. Ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий ҳимоянинг асосий омили иш берувчилар билан касаба уюшмалари ўртасида тузилган жамоа шартномалари ва келишувларининг аҳамияти ошмоқда. Вилоят бўйича юридик шахс мақомига эга бўлган 2239 та корхона , ташкилот ва муассасалардан 2232 тасида жамоа шартномалари ва 56 тасида ҳудудий келишувлар тузилган.

Таҳлиллар кўрсатиб турибдики, корхона, муассаса, ташкилот ва хўжалик маъмуриятлари билан мустаҳкам ҳамкорлик йўлга қўйилган жойларда муваффақиятларга эришилябди. «Муборакнефтегаз» унитар корхонаси (раҳбари Н.Умуров, касабақўм раиси Ж.Қурбонов) касаба уюшма қўмитаси билан маъмурият ўртасида 14-боб ва ундан ортиқ иловалардан иборат жамоа шартномаси тузилган.

Шартнома ижроси доимий эътиборда турибди. Биргина ўтган йили корхонада меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги мақсадларида 1 миллиард 34 миллион сўм харажат қилинди. Ишчи-хизматчилар ва инженер-техник ходимларга моддий ёрдам кўрсатиш учун корхона ҳисобидан 50 миллион сўмдан зиёд маблағ ажратилди.

Муборак газни қайта ишлаш заводи, Касби туманидаги Темур Малик номли ширкат хўжалиги, Қарши шаҳридаги 6-йўл қурилиш бошқармаси, Талимаржон иссиқлик электр станцияси, «Қашқадарёнефтгазсаноатқурилиш» очиқ ҳиссадорлик жамияти каби корхоналар касаба уюшма ташкилотларида меҳнат муҳофазасини яхшилаш, ходимларни моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг турли усулларидан фойдаланишяпти.

Бироқ ҳамма жойда ҳам иш кўнгилдагидек олиб бориляпти, деб бўлмайди. Кичик ва хусусий тадбиркорлик, матлубот кооперация, савдо ходимлари касаба уюшма Қамаши туман қўмитаси фаолияти ўрганилганда, уюшма ишига алоқадор бирорта ҳужжат топилмаган. Қаҳби туманидаги 88-автобаза, Қарши шаҳридаги 3-ўрта мактаб, Нишон пахта тозалаш заводи, туман автомобил йўллари бошқармаси, республика кўчмас мулк биржаси Қашқадарё филиали сингари касаба уюшма ташкилотларида қабул қилинган қарорларнинг ижроси қатъий назоратга олинмаган. Умумий йиғилишлар вақтида ўтказиб турилмайди. Фуқароларнинг ариза ва шикоятлари эътибордан четда қоляпти. Жамоа шартномасининг бажарилишини назорат қилувчи комиссиялар тузилмаган. Маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт тадбирларига етарли даражада маблағ ажратилмаган.

Вазирлар Маҳкамасининг «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида касаба уюшмалари тегишли идоралар билан биргаликда меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш ва маошларнинг вақтида тарқатилишини таъминлашга қаратилган аниқ чоралар кўришлари белгиланган. Аммо айрим корхоналарда иш ҳақи икки-уч ойлаб кечиктирилаётганлиги билан қандай муроса қилиш мумкин? Касби туманидаги 88-автобаза, «Сув оқова» корхонаси, Нишон пахта тозалаш заводи, 1-вилоят шифохонаси, Чироқчи туманидаги 105-автотранспорт идораси, Қамаши туманидаги «Ғаллакор» ширкат хўжалиги, «Момиқ» очиқ ҳиссадорлик жамиятида ана шундай ташвишли аҳвол юзага келган. Нишон, Қамаши тумани халқ таълими бўлимлари, Чироқчи туман марказий шифохонаси ва бошқа бюджет ташкилотларида иш ҳақидан қарздорлик ошиб кетган.

Иш ҳақи тўлови бўйича юзага келган аҳвол ишлаб чиқариш самарадорлигига, одамларнинг кайфияти ва ходимлар ўртасида маънавий-руҳий муҳитга салбий таъсир кўрсатмоқда. Касаба уюшмалари иш берувчиларнинг масъулияти ва жавобгарлиги юзасидан прокуратура, хўжалик судлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти идораларига тақдимномалар киритиб, масалани ижобий ҳал этиш йўлидан боришяпти.

2004 йил «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилинди. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, меҳр ва мурувват, энг аввало, жамиятимизда меҳр-шафқатга муҳтож бўлган ногиронлар ва етим-есирларга, бева-бечораларга, боқувчисини йўқотган, ёлғиз яшаётган одамлар ва кексаларга ғамхўрлик кўрсатиш, ёрдам ва кўмакка эҳтиёж сезадиган кам таъминланган ва кўп болали оилаларга, турли сабабларга кўра рўзғор тебратишга қийналаётган инсонларга моддий ва маънавий кўмак беришни назарда тутади.

«Обод маҳалла йили»да ижтимоий муҳофаза ва меҳр-мурувват мақсадлари учун касаба уюшмалари бюджетидан 32 миллион сўм, жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 800 миллион сўмдан кўпроқ маблағ сарфланади. Меҳнаткашларнинг 10 мингдан ортиқ фарзандлари оромгоҳларда бепул дам олдирилди. 114 нафар нафақахўр санаторийларда имтиёзли равишда соғломлаштирилди.

Касаба уюшмалари давр талабларидан келиб чиқиб меҳр-мурувват тадбирларини янада кучайтирмоқдалар. Айни чоғда иш берувчилар билан меҳнаткашларнинг ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини муҳофазалаш, меҳнат муносабатларини тўғри йўлга қўйиш ва жамиятимизнинг гултожи ҳисобланган инсон тўғрисида ғамхўрлик кўрсатиш асосий ишимизга айланган.

Иззат ҲИКМАТОВ, «Ишонч» мухбири

«ФАРҲОД»НИНГ ШИРИНЛАРИ

«Фарҳод» маданият саройида «Ширин», «Карвон», «Бахтли болалик», «Соната» каби йигирмадан зиёд бадиий тўгарак ва дасталар фаолият кўрсатади. Уларда юзлаб болалар ва ўсмирлар санъат сирларини ўрганмоқдалар.

«Соната» болалар эстрада-рақс дастаси нафақат мамлакатимиз, балки дунёнинг қатор давлатларида ўтказилган танловларда муваффақиятли иштирок этиб келмоқда.

«Соната» қизлари яқинда Берлинда бўлиб ўтган «Рақс-Олимпи» халқаро хореография форумида қатнашди. Бу нуфузли анжуманда навоийлик қизалоқлар эстрада рақслари бўйича биринчи ўринни эгаллади.

(ЎзА)

Шикоят текширилди, адолат ўрнатилди

БЕКОР ЮРГАН КУНЛАР УЧУН

иш ҳақи хўжалик ҳисобидан

Ариза бекорчиликдан ёзилмайди. Қаердаки инсон ҳақ-ҳуқуқлари топталса, адолат аталмиш улуғ туйғуга дарз етса, ўша ерда шикоят хати ёзилади. Бу ҳолга айрим ҳолларда тажрибали раҳбарлар ва ҳатто меҳнаткашлар манфаатининг устувор ҳимоячиси бўлиши лозим бўлган касабақўм етакчилари сабабчи бўлаётганлиги, айниқса ачинарлидир.

Агросаноат мажмуи ходимлари Денов туман касаба уюшма қўмитасига Ш.Худойназаров номли ширкат хўжалигининг собиқ ҳисобчиси Азиза Алламуродова номидан шикоят мактуби келиб тушди. Жумладан, унда қуйидагилар баён этилган эди:

«Хўжалик бошқаруви раиси Н.Худойназаров мени ноқонуний равишда ишдан бўшатди. 2002 йилнинг 23 ноябр куни ишга 30 минут кечикганим сабабли ҳайфсан олдим. Шу йилнинг 12 декабр куни 40 минут кечикиш содир этганим учун хўжалик бошқарувининг 63-буйруғи билан ойлик иш ҳақимнинг 40 фоизи чегириб ташланди. 17 декабр куни эса ишга кечикганим рўкач қилиниб, ишдан бўшатишди. Бунда менинг ҳомиладорлигим инобатга олинмади».

Дарвоқе, ҳақиқатан ҳам хўжалик кадрлар бўлими бошлиғи Х.Исоқовнинг ёзма ахбороти асосида А.Алламуродовага нисбатан аризада кўрсатилган учала ҳолатда ҳам интизомий жазо чоралари қўлланилган ва расмийлаштирилган. Бироқ ундан Меҳнат Кодекси талабларига кўра тушунтириш хатлари олинмаган. Қолаверса, ширкат хўжалиги маъмурияти ҳамда касаба уюшма қўмитаси ўртасида имзоланган жамоа шартномаси, шунингдек, иш берувчи ва ходим ўртасида тузилган меҳнат шартномасида иш берувчи бир қанча мажбуриятларни бажаришни ўз зиммасига олган. Мазкур меъёрий ҳужжатларда кўп болали ва ҳомиладор ишловчи аёллар ва бир қатор имтиёзлар белгилаб қўйилган. Бундан ташқари, ҳомиладор аёллар меҳнати Меҳнат Кодексининг 237-моддаси 1-бандида кўрсатилганидек, қонун асосида ҳимояланади. Зеро, туман марказий шифохонаси томонидан тақдим этилган тиббий маълумотномага кўра А.Алламуродовага нисбатан интизомий жазо чораси қўлланилган ва ишдан бўшатилган вақтда у ҳақиқатан ҳам ҳомиладор бўлган. Боз устига, шикоятчининг ишга кечикиб келиши ҳақидаги сўров хати мутасаддилар томонидан эътиборсиз қолдирилган. Шунга қарамасдан, ўзини хон, қўланкасини майдон, деб билган хўжалик раҳбарлари А.Алламуродованинг 4 нафар вояга етмаган фарзанди борлиги ва ҳомиладор эканлигини ҳисобга олмасдан, ишдан бўшатишган. Ходим билан тузилган меҳнат шартномаси Меҳнат Кодекси ва Агросаноат ходимлари касаба уюшмалари низомига хилоф равишда бир томонлама, яъни унинг иштирокисиз бекор қилинган. Касабақўм раиси М.Бадалов эса ходим ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ўрнига кўрабила туриб бунга розилик хати берган. Агросаноат мажмуи ходимлари туман касаба уюшма қўмитаси саъй-ҳаракати билан Азиза Алламуродова Меҳнат Кодексининг 237-моддасига асосан ўз вазифасига қайта тикланди. Унга мажбурий бекор юрган кунлари учун иш ҳақи хўжалик ҳисобидан тўланадиган бўлди.

Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» мухбири

Қилмиш-қидирмиш

ҚАЛБАКИ МИНГ СЎМЛИКЛАР

Бухорода қалбаки минг сўмликлар муомалада юргани ҳақида миш-мишлар пайдо бўлди. Сотувчилар хушёр тортиб қолди. Минг сўмлик купюраларни олишдан аввал қайта-қайта синчиклаб кўрадиган бўлди.

- Миш-миш ўз-ўзидан пайдо бўлгани йўқ,- дейди Бухоро вилоят ички ишлар бошқармаси матбуот гуруҳи раҳбари, милиция майори Аскар Ғиёсов ЎзА мухбирига. - Бундан анча илгари Ғиждувон шаҳар буюм бозорида савдо қилаётган тадбиркор Мурод Кароматовдан бир йигитча 12 дона жинси шим сотиб олади. Сотувчи қўлига бир тахлам мингталикни тутқазади. Кейинчалик бу пуллар қалбаки экани маълум бўлади.

Бухоро вилоят ички ишлар бошқармаси коррупция, рэкет ва товламачиликка қарши кураш бошқармаси тезкор гуруҳи йигитнинг изига тушади. Фирибгарнинг шериги ҳам бор экан. Уларнинг бири эндигина 17 ёшни қаршилаган, Навоий шаҳридаги академик лицей ўқувчиси Фарруҳ Эргашев, иккинчиси Навоий давлат педагогика институти жисмоний тарбия факультети талабаси Анвар Очилов бўлиб чиқди. Икки «шоввоз» жиноят устида қўлга олинди.

Фарруҳ Эргашевнинг уйидан ясама пул ишлаб чиқаришда фойдаланилган компьютер, принтер, сканер, қоғоз ва махсус бўёқлар топилди.

Мазкур иш юзасидан тергов давом этмоқда.

(ЎзА)

Жамоа шартномалари қандай бажарилмоқда?

РАҒБАТ
иш унумини таъминлади

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов халқ депутатлари Тошкент вилояти кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида инсон фақат бугунги куни билан яшамаслиги лозимлигини алоҳида таъкидлади. Дарҳақиқат, шиддат билан кечаётган ҳаёт олдимизга ўта оғир ва мураккаб масалаларни қўймоқда. Ана шуларни қатъият билан ҳал этишда касаба уюшма ташкилотларининг ҳам ўз ўрни бор.

Шу ўринда Юқори Чирчиқ туманидаги «Гулистон» ширкат хўжалигини олиб кўрайлик. Ушбу хўжалик илгарилари республикамиздаги энг илғор жамоалардан бири эди. Асосий фаолияти пахтачилик ҳамда ғаллачиликка ихтисослашган мазкур ширкат 2000 йилни 140 минг сўм зарар билан якунлаб, санацияга тортилди. Хўжалик раҳбарияти ва касаба уюшма фаоллари вазиятни чуқур таҳлил этиб чиқишди. Эндиликда барча ҳаракат сарф-харажатларни камайтириб, ички имкониятлардан келиб чиққан ҳолда олинадиган даромадни кўпайтиришга қаратилди.

Барча саъй-ҳаракатлар беҳуда кетмади. Ўтган икки йилда хўжалик санациядан чиқди. Натижада 1250 гектар майдондаги ғалладан 60 центнердан ошириб ҳосил кўтарилди. 1140 гектар ердаги пахта ҳосилдорлиги 26,2 центнерга етказилди. Олинган соф фойда 157 миллион сўмдан ошди. Ҳар бир аъзонинг ўртача йиллик даромади 609 минг сўмни ташкил этди.

Даромадга яраша буромад деганларидек, хўжалик аъзоларига 80 тонна ёғ, 137 тонна шрот, 40 тонна шелуха тарқатилди.

Бу ютуқлар ўз-ўзидан келмади, – дейди хўжалик касаба уюшма қўмитасининг раиси Абдумажид Умиров. – Бунда 1125 нафар аъзоларимизнинг, шу жумладан, хўжалигимиз раҳбари Комилжон Салимовнинг ҳиссаси катта бўлди.

Албатта, меҳнаткаш яхши ишлагандан кейин, уларга кўнгилдагидек иш ва яшаш шароитини ҳам яратиб бериш керакда. Шу боисдан хўжалик раҳбарияти ҳам, касаба уюшма фаоллари ҳам доимо изланишда. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан хўжаликнинг «Дархон» қишлоғида врачлик пункти қуриб, ишга туширилди. «Оқ овул» ва «Жумабозор» қишлоқларида ҳам тиббий бўлимлар ишга туширилиш арафасида. Хўжалик ҳудудидаги 6 та мактаб таъмирдан чиқарилди. Бунинг учун 5 миллион сўм сарфланди. Мактаб ўқувчиларига 600 минг сўмлик ўқув дарсликлари бепул тарқатилди. Хўжалик аъзоларига якка тартибда ер-жой қуришлари учун 30 гектар ер майдони ажратиб берилди. Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам берилди.

Яқинда бўлиб ўтган йиғилишда хўжалик раҳбарлари ҳамда касаба уюшма қўмитаси фаоллари 2003 йил учун қабул қилинган жамоа шартномасининг қандай бажарилганлигини муҳокама қилишди. Ундаги меҳнатга ҳақ тўлаш боби 7 банддан иборат бўлиб, унинг биргина банди бажарилмай қолди.

Меҳнат муҳофазаси бобининг яна бир банди бажарилмади. Унга кўра техника хавфсизлиги бўйича плакатлар сотиб олиниши керак эди. Айни пайтда мана шу камчиликни бартараф этиш тараддуди кўрилмоқда.

Дарҳақиқат, ўз меҳнатига яраша даромад, рағбат олган ҳар бир меҳнаткаш ерга, касбига меҳр кўяди. Бу ҳақда хўжалик пудратчиси Ҳакимжон Тўйчиев шундай дейди:

– Ўтган йили 7 гектар майдонда деҳқончилик қилдик. Шундан 5 гектарига пахта, 2 гектарига буғдой экканди. Пахта тайёрлаш 129 фоизга, буғдойни режадаги 9 тонна ўрнига 11 тоннага етказдик. Натижада йил 530 минг сўм соф фойда билан якунланди. Меҳнатга рағбат сифатида ўтган йили имтиёзли йўлланма олиб, сиҳатгоҳда соғлиғимни тиклаб қайтдим. Бу йил ер майдонимизни 10 гектарга етказдик. Ишонаманки, жорий йилда ҳам кўнгилдагидек ҳосил етиштириб, эл олдида юзимиз ёруғ бўлади.

Шарифа Ҳамидова «Гулистон» ширкат хўжалигининг бош пудратчиси.

- 110 гектар майдонга чигит экканди. Шундан 20 гектарини плёнка остида парваришладик. Очиқ усулда гектаридан 29, плёнка остида эса 41 центнердан ҳосил етиштирдик. Жами ҳосилимиз 343 тоннани ташкил этди. Ҳар бир пудратчи оиласига 7 тоннагача буғдой тақсимлаб берилди.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ишонч» мухбири

Ислоҳот мевалари

ҚИСҚА ТЕХНОЛОГИЯГА ЎТИШ
даромадни кескин кўпайтирди

«Қашқадарёпахтасаноат» акциядорлик бирлашмаси давр талабларидан келиб чиқиб, тайёрланаётган хомашё сифатини яхшилашга қаратилган қатор ибратли ишларни амалга оширмоқда.

Бундан олти ой муқаддам Яккабоғдаги «Оқ олтин» акциядорлик жамияти цехларини реконструкциялаш ишларига киришилган эди. Буюртмачи ва қурувчиларнинг якдиллик билан қилган меҳнати туфайли қисқа фурсатда завод қайта таъмирланди. Натижада маҳсулот сифати яхшиланди. Тола чиқиши кўпайди. Сарф-харажатлар кескин камайиб ва иқтисодий самарадорликка эришилди.

Акциядорлик жамияти тасарруфидаги пахта тозалаш цехи ва асосий иншоот тўлиқ қайтадан қурилди. Жин, линтер, тозалагич каби ускуналар, электр энергияси таъминоти тармоғи бутунлай алмаштирилди. 3,8 километр узунликда янги кабел ўтказилди. Пахта маҳсулотлари тойларини тортиш ва техник чигитни ўлчаш учун автоматик тарозилар ўрнатилди.

Бошқача айтганда, корхона ингичка ва ўрта толали пахтани қайта ишлашга ихтисослаштирилди. Энг муҳими ишчи-хизматчилар, инженер-техник ходимлар меҳнатини муҳофазалаш, техника хавфсизлигини таъминлаш учун қулай шароит яратилди.

Корхонани қайта қуриш ва жиҳозлашга 383 миллион сўм маблағ сарфланди. Кетган харажатлар икки йилда тўлиқ ўзини оқлайди. Чунки янги технологик асбоб-ускуналарда ҳосилни қайта ишлаш натижасида тола чиқиши 0,5 фоизга кўпайди, бир йилда қўшимча 66,9 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти вужудга келди.

Муҳими акциядорлик жамиятининг йиллик даромади 107,2 миллион сўмга кўпаяди. Истеъмол қилинадиган электр энергияси 1036 минг киловатт соатга, ёнилғи (газ) сарфи 30 фоизга камаяди. Тайёрланган маҳсулотлар электрон тарозида ўлчаниши ҳисобига исрофгарчилик 0,5 фоизга камаяди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда корхонанинг йиллик иқтисодий самарадорлиги 220 миллион сўмни ташкил этади.

Технологияларнинг янгиланиши тола чиқишини кўпайтириш билан бирга хорижга юқори сифатли хомашё етказиб беришни кафолатлайди.

Шу кунларда корхона тўла қувват билан ишлаб турибди. Ҳозирги кунга келиб Шаҳрисабздаги пахта тозалаш заводида ҳам қайта қуриш юмушлари ниҳоясига етказилди. «Косонпахтатозалаш» акциядорлик жамиятини реконструкция қилиш ва қайта жиҳозлаш давом эттириляпти.

И.ИСОМИДДИНОВ

Сариосиё тумани машина-трактор паркида айни кунларда қишлоқ хўжалик техникаларини тузатиш ва ерни экишга тайёрлаш бўйича талай ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Корхона ҳисобида 6 та КЕЙС, 3 та ЮМЗ, 4 та техник ёрдам машинаси ва 4 та Т 28 трактори бор. Улар ёрдамида деҳқончилик юмушлари бир мунча енгиллаштирилмоқда. Бу ерда ишчи-хизматчилар учун қулай меҳнат шароитлари яратилган. Улар махсус кийим-бошлар билан тўла таъминланган. 100 ўринли ошхона меҳнаткашларга намунали хизмат кўрсатмоқда.

Суратларда: корхона ҳаётидан лавҳалар.

И. ҲАСАНОВ олган суратлар.



ҚИШЛОҚҚА СУВ КЕЛДИ

Жиззах туманидаги Қораянтоқ ва Янгиобод қишлоқларининг ардоқли оқсоқолларидан бири Ботир ота Йўлдошев хайрли ишга қўл урди. У юз йиллар мобайнида тоза ичимлик суви йўқлигидан азият чеккан «Оқ олтин» қишлоқ фуқаролар йиғинига ичимлик суви тармоғини тортиб келиш ишига бош-қош бўлди. У киши бу юмушга етарли маблағ ажратиш, қурувчиларни жалб этиш, ҳашарлар уюштиришдек кенг кўламли ҳаракатга етакчилик қилди. Бу ишларни «Жиззахмахсусқурилиш» масъулияти чекланган жамияти бунёдкорлари амалга оширишди.

Энг муҳими шундаки, етмиш ёшдан ошиб қолган қишлоқ оқсоқоли Ботир ота Йўлдошев ўз мақсадига эришди. Сув келиши билан одамларнинг яшаш тарзи ўзгарди. Қишлоққа файз-барака келди.

Н.БЎРИЕВ

Бандлик дастури амалда

ЯРМАРКА ХОСИЯТИ

Яқинда пойтахтнинг Ҳамза туманидаги Тарновбоши маҳалла гузарида «Бўш иш жойлари ва вакант лавозимлари» ҳудудий меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Туман меҳнат бўлими томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда шаҳардаги кўплаб ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотлар, ўзларининг бўш иш ўринлари билан қатнашдилар. Унда шу ҳудуддаги маҳаллаларда яшовчи, иш билан банд бўлмаган аҳолининг 350 нафари жалб этилди. Жорий йилда илк марта ташкил этилаётган меҳнат ярмаркасида 65 нафар фуқарога амалий кўмак берилди.

Шундан 30 нафар фуқаро турли хил касблар бўйича ишга йўлланди. Ярмаркага ташриф буюрган 23 нафар ёш йигит-қизга касб маҳоратини ошириш учун ўқишга йўлланма берилди.

Маълумки, давлатимиз Бош қомуси қабул қилинганининг 11 йиллигига бағишланиб Президентимиз томонидан эълон қилинган Фармонга кўра амнистия эълон қилинган эди. Ана шунга кўра тўғри йўлдан адашган кўплаб кишилар бағрикенглик тимсоли бўлган амнистия туфайли озод ҳаёт қучоғига қайтарилди.

– Меҳнат бўлимимиз ходимлари жазони ўташ муассасасидан озод этилган фуқаролар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратмоқда, - дейди бошлиқ муовини Н.Мирҳамидова. – Туман ҳудудида истиқомат қилувчи жазони ўташдан озод этилган 64 нафар фуқаро меҳнат бўлимида рўйхатдан ўтказилган. Уларнинг 11 нафари иш билан таъминланди. 3 нафари эса турли ўқув курсларига юборилди. Эътиборлиси шундаки, 34 нафар фуқаро аввалги иш жойига қайта тикланди. Бундан ташқари, уларнинг барчасига ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

Бир сўз билан айтганда, туман меҳнат бўлими банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлашда эътиборга лойиқ ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, ўтган 2003 йилда бўлимга 2408 нафар аҳоли вакиллари мурожаат қилган. Улардан 1743 нафар фуқаро ишга жойлаштирилиб, 95 нафари эса турли хил жамоат ишларига жалб этилди. 129 нафар кишига эса ишсизлик мақоми берилиб, нафақа тайинланди. Ўтган даврда жами 3289 та янги иш жойлари ташкил этилди.

О.ЭРГАШЕВ,
«Ишонч» мухбири

ҲАШАР — ЭЛГА ЯРАШАР

Бўз туманидаги "Озод" ширкат хўжалигида ҳашар йўли билан қурилган янги болалар спорт мажмуи фойдаланишга топширилди.

Спорт мажмуасида бир вақтнинг ўзида спортнинг ҳар хил турлари бўйича 200 нафаргача бола шуғулланиши мумкин. Қишлоқнинг спортсевар ёшлари учун бу ерда мини футбол, баскетбол, волейбол майдончалари барпо этилди. Янги теннис корти эса мазкур спорт мажмуасининг фахри ҳисобланади.

Янги мажмуада мураббийлар масаласи ҳам муваффақиятли ҳал этилди. Туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан танлов ўтказилиб, устозлар жамоаси шакллантирилди. Эндиликда улар турли секцияларда машғулот олиб боришмоқда.

"Туркистон-пресс"

ЭНГ ЯХШИ ҚЎШИҚЛАР НАВРЎЗГА БАҒИШЛАНАДИ

Наврўз - янгиланиш ва ёшлик байрами. Мустақиллик йилларида бу байрам халқимиз учун ҳақиқий меҳр ва мурувват тантанасига айланди. Айнан шу боис ҳар йили мамлакатимизда Наврўз кўтаринки руҳда нишонланади. Ўзбек халқининг асрлар оша сақланиб келган миллий қадриятлари ва анъаналари, жамиятимиздаги янгиланиш жараёни байрам дастурлари, қўшиқлар ва рақсларда ўз аксини топади. Ҳозирданоқ юртимизда умумхалқ байрамига тайёргарлик ишлари бошлаб юборилган.

Профессионал ва ёш бастакорлар томонидан баҳор байрамига бағишланган қирққа яқин янги мусиқа асари яратилди. Улар орасида Рустам Абдуллаев, Ҳабибулло Раҳимов, Анор Назаров, Дилором Омонуллаева, Ойдин Абдуллаева ва бошқаларнинг мусиқий композициялари бор. Энг яхши қўшиқлар Алишер Навоий номидаги Миллий боғда бўлиб ўтадиган асосий тантаналарда ижро этилади.

Касаба уюшма фахрийлари ҳақида ҳикоялар

Бу воқеа 1967 йилда содир бўлган эди. Цех бошлиғи ортидан келаётган кизалоқ ишхона остонасига келганда бегонасираб тўхтаб қолди. Чунки дастгоҳларнинг такир-туқури, аёлларнинг ғала-ғовури Раҳимахонни чўчитганди. Шундай, биринчи қадам доим қийин кўйилади, шубҳа гумонлардан ҳоли бўлмайди. Бироқ бир оғиз ширин сўз, далда, меҳр суянч ва таянчга айланади:

БИР ОҒИЗ ШИРИН СЎЗ

– Дадил бўл, ўзингни йўқотма. Ҳали ҳамма билан опа-сингил бўлиб кетасан – дея, ҳамроҳ қизчани қўлидан тутиб ичкарига бошлади.

Янги шогирдининг оёқ-қўлининг енгиллиги, чақ-қонлиги, уқуви устози Умида опага маъқул тушди. Иш пайтида калава тугаса, зувиллаганича хомашё омборига бориб, қучоғи тўлиб қайтарди. Дастгоҳ бузилиб қолса, созловчиларни бошлаб келиб, уста билан бирга куймаланарди.

Умида опанинг ўгитлари зое кетмади. Тикувчилик касбининг ҳадисини олди. Раҳимахон қўлидан чиққан либослар ороланиб турар, бежиримлиги, дизайни, чархларнинг пишиқлиги билан оғизга тушди. Устознинг маслаҳати билан Андижон пахта тозалаш техникумининг кечки бўлимида ўқий бошлади.

Раҳимахоннинг яратган маҳсулотлар харидоргирлиги буюртмачиларнинг эътиборига туша бошлади. Дастгоҳларнинг иш унумини оширишга қаратилган янги технология ечимлари билан тез-тез маъмуриятга чиқиб турарди. Бугина эмас, йиғинларда ишчиларнинг меҳнат муҳофазасини яхшилаш, хотин-қизлар учун қисқартирилган иш куни жорий қилиш, иш жойлари хавф-хатарсиз соғлом шарт-шароит яратиш таклифлари ундан чиқарди.

Жамоа ташвишида куйиб-пишиб юриши, ўзига бошқаларга талабчанлиги уни эл назарига туширди. Энди Андижон шаҳридаги Володарский номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси муҳандис-технолог лавозимида, сўнгра касабақўм раислиги вазифасида фаолият юритди. Бунгача Тошкент Давлат тўқимачилик, енгил саноат олийгоҳини тамомлашга улгирди. Иш ҳақининг вақтида тўланиши, ходимларнинг бепул иссиқ овқат билан таъминланиши, оналик ва болаликнинг ҳимоя қилиниши, иш жойларини хатловдан ўтказиш муаммолари бўйича маъмурият билан тортишган пайтлари кўп бўларди.

Натижада Раҳимахон Умрзоқова касабақўмда етакчилик қилган йиллар фабрикада ишчилар учун 600 ўринли ётоқхона, 280 ўринли болалар боғчаси, 100 ўринли соғломлаштириш маскани қурилиб, ишга туширилди. Бир воқеа тўқувчиларнинг ҳанузгача ёдида. Аксарият ишчилар «дўппидеккина» ҳовли-жойда яшар, шахсий уй қуришга эса, моянадан оширишнинг иложи йўқ эди. Лекин маъмурият ишлаб чиқаришдан мўмайгина даромад олаётган бўлса-да, ишчиларнинг маиший шароитини яхшилашга шошилмасди. Жамоа шартномасида эса иш берувчининг уй-жой фондларини яратиш, улардан фойдаланишни йўлга қўйиш ҳақида алоҳида шартлар бор эди. Шу боис касабақўм бошлиқлар ҳузурига таклифлар билан бир неча бор кирди.

... Ниҳоят касабақўм йиғилишида директорнинг ҳисоботи эшитилиши ҳақида деворда эълон пайдо бўлади. Бунгача ҳеч ким иш берувчининг мушугини пишт демаганди. Хуллас, ўша йили 73 нафар янги оилаларга турар жойлар қурилиб, эгаларига калитлар топширилади.

Кейинчалик Раҳимахон Умрзоқова Андижон вилоят енгил, мебел ва коммунал-маиший хизмат кўрсатиш ходимлари касаба уюшмалари тармоқ қўмитаси раиси ўринбосарлиги лавозимига кўтарилди. Илгари биргина корхонадаги ишчиларнинг ижтимоий-иқтисодий муҳофазасига масъул бўлса, эндиликда бутун вилоятдаги ишчи-хизматчиларнинг унумли меҳнати, мазмунли дам олиши, меҳнат қонунлари билан ҳимояланишига дахлдор эди. Хизмат сафарларида юраркан, ҳаёт қайнаган жабҳаларда бўлишга, одамларнинг корига ярашга интилди.

Раҳимахон тармоқ қўмитаси раиси Ёқубжон ака Жўраевдан кўп нарса ўрганди. Негаки, раисни ишхонасида учратиш мушкул эди. Уни одамлар гоҳ банк, муассаса, прокуратурада кўрарди. Ёки бирор корхонада қўлга тегмаётган иш ҳақини ундириш пайтида ҳамкорлар билан хўжалик судига даъво аризаси тайёрлаётган бўларди. Гоҳо олис қишлоқдаги корхона цехларини кезиб, касабақўм раиси билан дастгоҳлар атрофида ҳимоя тўсиқлари йўқлиги ҳақида иш берувчини сўроққа тутаётган бўларди. Раёсат йиғилишида «Ойим» қишлоғидаги «Бунёд» тўқув ҳиссадорлик жамиятида боқимандаликдан қарздорликни тугатиш масаласи кўрилишининг нафи катта бўлди. Болали оналар ойлаб тўланмаётган нафақа пуллари ола бошладилар. Тармоқда ижро интизоми ана шундай қатъий.

Шундай қилиб, Раҳимахон ўзи ёниб, бошқаларнинг ҳам ёндириб яшайдиган, ишлайдиган одамлар қанотида камол топди. Унинг ҳаёт тажрибаси, ишчанлиги ҳисобга олиниб, тармоқ ходимлари Марказий қўмита аъзолигига сайланди. Қисқа вақтдан кейин Марказий қўмитанинг тафтиш комиссияси раислигига ишга ўтади.

Умр оқар дарё экан. Кечагина илк бор ишга келганда, корхона остонасидан ҳатлай олмай, ийманиб турган жамалак соч қизалоқ бугун бир қучоқ неваларнинг бувиси. Қарилик гаштини сурмоқда.

Р.СОБИРОВ

"Пахтабанк" акциядорлик тижорат банки Бухоро вилоят бўлими 2003 йилда тадбиркорларга 2 миллиард 127,2 миллион кредит сўм берди.

"ПАХТАБАНК" МИЖОЗЛАРИ

- Кредитларнинг асосий улуши ўрта ва узоқ муддатли ҳисобланади, деди "Пахтабанк" акциядорлик тижорат банки вилоят бошқармасининг бошлиғи Раҳим Ғафуров "Туркистон-пресс" мухбирига. - Қарзлар эвазига янги иш ўринлари барпо этилди, 1099,6 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Р. Ғафуровнинг таъкидлашича, "Пахтабанк" вилоят бошқармаси 7300 дан зиёд юридик ва жисмоний хизматлар кўрсатади, улардан 5495таси кичик бизнес субъектларидир. Ўтган йилнинг боши билан қиёслаганда мижозлар сони 893 тага ўсди.

Вилоятга чет эл инвестицияларини жалб этиш юзасидан ҳам катта ишлар қилинмоқда. "Пахтабанк" вилоят бошқармаси Осиё тараққиёт банки кредит йўналиши орқали "Соҳибкор" ширкат хўжалигидаги "Асептик" шуъба корхонасини 285 минг долларга молиялаштирди. Бу ерда лойиҳа қуввати соатига минг банка бўлган помидор шарбати ва кетчуп ишлаб чиқарадиган линия ва Италиянинг "Фенко" компанияси технологиялари сотиб олинди.

ОТБ кредити ҳисобига Бухоро туманидаги "FRUIT WORLD LTD" агрофирмаси лойиҳалари ҳам молиялаштирилади. Лойиҳа консерва заводини қуриш ва Италиянинг "Buzturzi" компанияси технологиялари асосида меваларни қайта ишлашни кўзда тутади.

2004 йил - Меҳр ва мурувват йили

МАЪНАВИЯТ ТАЯНЧИ

Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида Республика «Маънавият ва маърифат» маркази билан ҳамкорликда меҳр ва мурувват - маънавият таянчи мавзуида анжуман бўлиб ўтди.

Бугунги кунда миллий қадриятларимизни асраб-авайлашга, уларни улғайиб келаётган авлод шуурига сингдиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, келажак эгаларини баркамол этиб тарбиялашда умрбоқий анъаналаримизнинг ўрни беқиёс. Ёшлар қалбида меҳр-мурувват, саховат, инсонпарварлик туйғусини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Бу эса ота-оналар, жамоатчилик, устоз ва мураббийлар зиммасига катта масъулият юклайди.

-- Бизнинг институтимизда бу борада ўн беш йўналишда раҳбар педагогларнинг малакасини ошириш йўлга қўйилган,- дейди мазкур муассаса бўлим бошлиғи Ш.Шомансуров ЎзА мухбирига. - Ҳар йили тўрт минг нафардан кўпроқ ходим Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда ўз касб маҳоратини оширмоқда.

«Ишонч» фош этади

МОЙЖУВОЗЧИ «ТАДБИРКОР»
узоққа боролмади

Бугунги кунда мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бироқ таассуфки, баъзи қўштирноқ ичида, ўзини тадбиркор деб билганлар хуфёна йўл билан сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш, арзон-гаровга сотиб мўмай даромад орттириш пайида бўлишаяпти. Айниқса, кейинги пайтларда қўлбола мойжувозлар ёмғирдан кейинги қўзиқориндек потирлаб қолди.

Йўлни қийшиқ арава, одамни одам бузади дейишади. Мирзаободлик Пардабой Холиқовни ҳам маслаҳатгўйлари яхши йўлга бошлашмади. Унга жувоз курса, тезда бойбадавлат бўлиб кетишини маслаҳат беришди. Бу ўй неча тонгларни бедор ўтказишга, тезроқ иш бошлашга ундади. Қарангки, бу орада қўлбола мойжувоз ясаб пуллаётганлар ҳам топила қолади. Нархи ҳам баланд эмас. Атиги 50 минг сўмгина. Кўзни шартта юмди-ю, пулнинг бахридан ўтди. Ховлисидаги хоналарнинг бирини жиҳозлаб, агрегатни гуриллатиб ишга солди.

Унинг орзуси битта эди - исмига монанд бой бўлиш. Шу боис тадбиркорликнинг бу тури тақиқланганлигини, пахта хомашёсидан уй шароитида ёғ ажратиб олиш мумкин эмаслигини билса-да, пинак бузмади. Ўзи тайёрлаётган пахта ёғи қанчадан қанча инсонлар саломатлигига путур етказиши, умрига зомин бўлишини ўйлаб ҳам кўрмади. Бойлик, мол-дунёга ҳирс уни шу кўйга солганди.

Дарвоқе, хомашё — чигит топишда ҳам муаммо бўлмади. Қишлоқ катта йўлнинг шундоқ биқинида. «Гулистон-Гагарин» йўлига чиқиб чигит ташиётган ҳайдовчиларни «овлади». Пардабой Холиқовнинг сўнгги ҳамтовоғи ҳам шу йўлда топилди. «Зил-138» русумли 12 АВ-668 давлат белгили юк автомашинаси ҳайдовчиси Д.Норқўзиев чигитга харидор топилганидан юраги қинидан чиқаёзди. Бошқарувидаги юк автомобилига юкланган Гулистон ёғ экстракция заводига ташилаётган чигит хомашёсидан 200 килосини Пардабойга пуллади.

Бузоқнинг югургани сомонхонагача деганларидек, Мирзаобод туман ҳуқуқ-тарғибот идоралари вакиллари қонунбузар пайини вақтида қирқди.

- Қонунга зид фаолият юритган сохта тадбиркор ўз қилмишига яраша жазосини олди, - дейди туман жиноят ишлари суди котибияти мудири Мақсуда Жўраева. - Бу кўпчиликка сабоқ бўлиши лозим. Зеро, бундай нотўғри фикрда юрганларнинг ҳоли вой бўлиши, шубҳасиз.

Дарвоқе, биз «Пахтасаноатсотиш» тизими корхоналари мутасаддиларига ҳам тан бермадик. Ахир, улардан чиққан маҳсулотни йўл-йўлакай пуллаб келиш мумкинми? Ҳайдовчилар жиловини ким тортаркан?

Н.ШАМСИЕВ,
«Ишонч» мухбири

Бор бўл, оқибат!

ЭЗГУ НИЯТ

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда фермерлик ҳаракати муҳим омил саналади. Чунки эртани ўйлаб, омилкорлик билан иш юритган фермерлар соҳани иқтисодий жиҳатдан юксалтиришда катта аҳамиятга молик ишларни амалга оширишмоқда. Лекин папка кўтариб, тадбиркорликни ҳавас қилганларнинг ҳаммаси ҳам фермер бўлавермайди. Ерни қадрлаган, ишнинг кўзини биладиганларгина ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам фойда келтиради.

Биз бундан 4 йил олдин 23 гектар ерда фаолият бошлагандик. Аввалига ер майдонига яхши ишлов бериш мақсадида «Т-28» тракторини сеялка ва культиватори билан сотиб олдик. Орадан бир йил ўтиб, «Қозоғистон» ҳайдов техникасига ҳам эга бўлдик. Энди нафақат ўзимизнинг, зарур бўлганида ён қўшниларимизнинг ҳам ерларини шудгор қилиш, ниҳолларига ишлов беришда ёрдам берямпиз. Энг муҳими, ҳар бир агротехник тадбирни ўз вақтида бажаришга муваффақ бўляпмиз.

Ўтган йилдан 35,2 тонна пахта ҳосили топширдик. Сарҳисобда пахтадан 5 миллион 800 минг, буғдой ҳосилидан 1 миллион 200 минг сўм даромад олдик. Шундан 4 миллионини соф фойда ташкил этди. Оиламдан 3 нафар, маҳалладан 12 нафар киши доимий иш ўрнига эга бўлди. Пахтадан олинган 1 тонна ёғ, 4 тонна кунжара меҳнаткашларга тақсимланди. Бундан ташқари, 8 гектар майдонда етиштирилган буғдойнинг шартнома мажбуриятларидан ортгани ҳам хўжалигимиз аъзоларига тарқатилди.

Меҳр-мурувват йилида ҳам халқимиз удумларига муносиб бўлишга ҳаракат қиламиз. Ҳар йили қишлоқ мактабини таъмирлашга ҳисса қўшиб келар эдик. Бу йил ёлғиз қарияларга, кам таъминланган оилаларга ҳам кўмак бериб бориш ниятидамиз.

Маннап АБДИЕВ,
Бўка туманидаги «Даврон-А» фермер хўжалигининг раҳбари

Яхши ишлаб, яхши яшаётганлар

ЖАМОА БИЛАН КЕНГАШИБ

Рустам ака Туробов инсонларнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг фаровон яшаши ва меҳнат қилиши учун муносиб шарт-шароитлар яратиб беришга ўзининг дахлдор, бурчли эканлигини ҳеч қачон унутмайди.

– Энг аввало, ўзини сева олган инсон, ўзгаларни ҳам қадрлай билади, иззат-ҳурматини жойига қўйишнинг уддасидан чиқишга қодир бўлади,– дейди Рустам ака.

У бир нарсани аниқ билади. Омад ҳеч қачон ғойибдан келган эмас, келмайди ҳам. Уни ҳар бир инсон ўз қўли, тинимсиз изланишлари ва меҳнати билан яратади. Бутун билими, куч-қувватини, қобилиятини ишга сафарбар этган кишиларгагина чинакамига бахту иқбол эшиклари очилади.

Болалиги Бухоро туманининг ҳадсиз-худудсиз пахта эгатлари қўйнида ўтган бу оддий қишлоқ фарзанди Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида таҳсил олди ва уни муваффақиятли тамомлади. Муҳандис-технолог мутахассислигини эгаллаб, «Бухоро пахта тозалаш» заводида созловчи вазифасида иш бошлади. Ўшанда у куч-ғайрати жўш уриб турган айни навқирон ёшда эди.

– Рустам ака оддий ходимликдан корхона раҳбаригача бўлган машаққатли йўлни босиб ўтганлардан бири,-дейди ишчи Иброҳим Бобоев. - У қайси лавозимда ишлашидан қатъи назар жамоадошлари меҳрини, ишончини, ҳурматини қозониб яшашга интилди.

Меҳнат жамоаси кенгаши фаолияти йўлга қўйилгани, ҳар кимнинг қўшган ҳиссасига қараб ҳақ тўлашни жорий этилгани ўз самарасини берди. Бошқача айтганда, турдош корхоналар орасида биринчилардан бўлиб ижара пудрати асосида ишлашга ўтилди.

Натижада даромаднинг бир қисмидан ишчи-хизматчилар учун ўнлаб уй-жой қурилди. Корхона ҳудудини ободонлаштириш, бу ерда кўплаб маданий иншоотларни барпо этиш, ҳатто боқувчисини йўқотган оилалардаги фарзандларни корхона маблағлари ҳисобидан суннат тўйларини ўтказиш, тўйболалар номига омонат дафтарчалари очиш ишлари амалга оширилди.

Муҳими, сифат - бош мезонга айланди.Иш ва сўз бирлиги таъминланди. Қисқа технологик жараёнларни ташкил этиш, ортиқча сарф-харажатларга йўл қўймаслик эвазига даромад деярли 2 ҳиссага ошди. Маош, дивидент, қўшимча сийловлар кўпайди. Заводга кираверишда ишчилар ошхонаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

— Рустам Туробовни вилоят тармоқ қўмитасида ишлагани биз учун жуда қўл келди,-дейди касаба уюшма қўмитасининг раиси Ориф Бафоев. - Натижада жамоа шартномаси ҳамда битимларнинг мукаммал бўлишида, касаба уюшма аъзоларининг манфаатларини, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муайян муваффақиятга эришилди. Корхонамиз Меҳнат муҳофазаси бўйича вилоят ва республика танловларида ғолиблар сафидан ўрин олди.

Меҳнат шароитларининг яхшиланишида, ишлаб чиқаришда янгиликлардан кенг ва самарали фойдаланишда, иқтисодий таҳлилларни собитқадамлик билан амалга ошириш даркор.

Бундан ташқари, электр энергияси сарфини таҳлил қилиб, уни кескин камайтириш чора-тадбирлари белгилаб чиқилгандан сўнг, катта иқтисодий самарага эришилди. Натижада 2003 йилда олдинги йилга нисбатан олинган фойда салмоғи 1,5 бараварга ошди. Катта қувватда ишлайдиган воситалар ўрнига ихчамлари ўрнатилди.

Тойларнинг оғирлигини 200-205 килодан 225-230 килограммгача бўлишини таъминлаш эвазига ўраш материалларининг сарфи ҳам анча камайди. Бу умумий даромадни янада ошириш имконини берди.

Бугун «Жондор пахта тозалаш» корхонасида раис муовини вазифасида ишлаётган Р.Туробов бир сўзни кўп гапиради:

-Ҳеч ким ёмон яшай демайди. Яхши яшаш учун эса яхши ишлаш керак. Яхши шароит яратилган жойда бунга эришиш мумкин.

Усмон НАВРЎЗ,
«Ишонч» мухбири

Ўтаётган ҳар бир кунимиз қувончли воқеаларга бой бўляпти. Халқимиз осойишталиги ва тинчлиги катта бойлик. Эл тинч бўлса, юрт обод бўлади. «Термизнон» ҳиссадорлик жамияти жамоасининг фидокорона меҳнати эвазига тайёрланаётган 35 турдан ортиқ нон маҳсулотлари эл дастурхонини безамоқда.

СИФАТ ОРТДИ

ҳам янги иш ўринлари яратилди

Корхонада иш уч сменада ташкил этилган. Бу ерда ишчиларнинг баракали меҳнат қилишлари учун маъмурият ҳамда касаба уюшма қўмитаси барча шарт-шароитларни яратиб берган. Хориж технологияси асосида иш юритилаётганлиги боис самарадорлик ортиб бормоқда.

2000 йилда Осиё тараққиёт банки томонидан ажратилган 464 миллион 560 минг АҚШ доллари миқдорида ажратилган кредит ҳисобидан Италиянинг «Техногри-Прожект» фирмаси ускуналари ўрнатилиши натижасида нафақат қўшимча иш ўринлари яратиш, шунингдек, маҳсулот сифатини яхшилаш имконини ҳам берди.

Корхона ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгач, мулкчилик шакли ўзгариши билан ишчиларнинг меҳнатга бўлган муносабати тубдан ўзгарди. 2000 йилда иккита янги линия ишга туширилди ҳамда ишлаб чиқариш қуввати икки баробарга кўпайди. Рақамлар шуни кўрсатяптики, 1999 йилда 107 миллион, 2000 йилда 207 миллион, 2001 йилга келиб маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 339 миллион сўмга етди. Ўтган йилда 340 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Корхона қошида қўшимча ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлиги айни муддао бўлди. Тикувчилик цехида 5 киши меҳнат қилмоқда. Корхона маъмурияти ҳамда касаба уюшмаси қўмитаси ишчи-хизматчиларга ҳар жиҳатдан меҳр-оқибат кўрсатяпти. Шаҳардаги «Байнал», «Наврўз», «Ишчилар», «Жўжангал» сингари маҳаллалардаги кам таъминланган оилалар ҳамда кексалар ҳолидан доимий равишда хабар олинмоқда. Шунингдек, 2-сонли умумий ўрта таълим мактаби ўқувчиларига 100 минг сўмлик моддий кўмак берилди.

Корхона ишчи-хизматчилари ўртасида мусобақа яхши йўлга қўйилган. Баҳодир Йўлдошев, Гулноза Қурбонова, Саёҳат Одинаева, Ҳайитмурод Авазов сингари ишчилар жамоа фахри ҳисобланишади. Корхона раҳбари Пардабой Холматовнинг ташаббускорлиги боис, корхона ҳовлиси ва атрофлари ободонлаштирилиб, гулу-гулзорларга айлантирилди.

С.ШАВКАТОВ

Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?

НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБ

Маълумки, дунёнинг кўпгина давлатларида пул муомаласининг нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизими кенг тарқалган. Республикамизда ҳам шу тизимига, яъни пластик карточкаларни ҳисоб-китоб воситаси сифатида муомалага киритиш тажрибаси қўлланила бошлаганига бир йилдан ошди. Бу ўз навбатида мамлакатимизда нақд пул эмиссиясини қисқаришида ва аҳоли учун анча қулайлик яратишда катта аҳамиятга эга бўлди.

– Хоразм вилоятида энг замонавий тўлов воситаси сифатида пластик карточкаларидан фойдаланишга дастлаб Ҳазораспда қўл урилди, – дейди туман тижорат «Пахтабанк» бошлиғи Б.Аҳмедов. Ўтган йил сентябр ойида 15 та терминал аппаратлар келтирилиб, савдо дўконларига, авиакасса ва коммунал хизмат ҳақлари тўланадиган жойларга ўрнатилди. Бунинг учун дастлаб аҳоли ўртасида, корхона-ташкилотларда пластик карточканинг афзалликларини тушунтириш бўйича махсус гуруҳлар иш олиб борди. Барча саноат, озиқ-овқат, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан савдо қилувчи махсус супермаркет дўконлари ташкил қилинди.

Бугунги кунда «Пахта банк» ва «Миллий банк»нинг туман бўлимлари томонидан ўрнатилган 18 та терминал аппарати орқали пластик карточкалар билан нақд пулсиз ҳисоб-китоб йўлга қўйилган. – Пластик карточкаларга ҳар ойда ўртача 100-110 миллион сўм миқдорида иш ҳақи ва пенсиялар учун маблағ ўтказилмоқда. Айни кунда туманда кўплаб мижозлар пластик карточкалардан фойдаланмоқда. Ҳозир бир ойлик ўртача савдо айланмаси 120-140 миллион сўмни ташкил қилади.

Маълумки, бошқа жойлардаги каби вилоятда ҳам нақд пул айланмасининг камайиши ишчи-хизматчиларнинг ойлик маошларини, қарияларни, ногирон ва кам таъминланган оилаларга тўланадиган нафақаларнинг ўз вақтида тўланишига салбий таъсир қилмоқда. Бу ўз навбатида аҳолининг коммунал ва бошқа тўловлардан бўлган қарзларининг кескин ошишига ҳамда уларнинг харид қувватининг камайишига ҳам олиб келмоқда. Фақат бугина эмас. Коммунал тўловлардан бўлган қарзлар ушбу ташкилотларнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларини кўпайтириб, кўрсатилаётган хизматнинг давр талабига мос ташкил этилишига тўсиқ бўляпти. Бундан қутулишнинг ягона йўли нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимига ўтишдир.

Вилоятдаги тажрибалар пластик карточкаларнинг самарали эканлигини исботламоқда. Негаки, бугунги кунда тижорат банкларининг туман ва шаҳар бўлимлари томонидан 54 та терминал аппаратлар ўрнатилиб, улардан фойдаланувчилар сони тобора ошмоқда. Лекин янги тизимга ўтишни тарғиб қилиш муҳим вазифа бўлиб турибди. Яқинда Урганч шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарлари тижорат банкларининг, соғлиқни сақлаш, халқ маорифи ва бюджетдан таъминланадиган бошқа соҳаларнинг раҳбарлари, мутахассислари иштирокида ўтказилган семинар-кенгаш шу масалага бағишланди.

Унда пластик карточкалардан фойдаланишдаги тажрибалар ўртоқлашилди. Фикр-мулоҳазалар билдирилди, шу юзадан туғилган кўпдан-кўп саволларга жаволар қайтарилди.

К.РАҲИМОВ

Шартнома шартлари бажарилмоқдами?

ЖАРИМАНИНГ ЖАБРИ

Ўтган йил давомида бўлимимиз томонидан хўжалик судига фермерлар манфаатини ҳимоя қилиб 324 та даъво аризаси киритилди ва 254 миллион 588 минг 294 сўм маблағ ундириб берилди.

Жиззах туманидаги «Мурод Бобо» фермер хўжалиги тайёрловчи – «Учтепа пахта тозалаш» корхонаси раҳбарларининг айби билан 2002 йили топширилган пахта ҳосили учун қонуний олиши зарур бўлган маблағни ололмай кўп вақт сарсону саргардон бўлди. Фермер хўжалиги раҳбари А.Муродов ҳақ-ҳуқуқини тиклаб беришларини сўраб, бош суқмаган идора қолмади, ҳисоб.

Фермер хўжалиги шартнома шартларида кўрсатилган 39 ўрнига 45 тонна пахта хомашёси топширган, лекин 20 фоизлик ҳисоб-китоблар бўйича 1 миллион 237 минг 861 сўм пул маблағини ундира олмаган. Шундан сўнг хўжалик раҳбари Адлия бошқармасига мурожаат қилди.

Аниқланишича, Молия вазирлиги ва Марказий банк томонидан тасдиқланган, Адлия вазирлигида 1999 йил 1 мартда қайд қилинган «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари якуний ҳисоб-китобларини амалга ошириш тартиби» меъёрлари тайёрловчи корхона раҳбарлари томонидан қўпол равишда бузилган.

Тузилган контрактация шартномасининг 4-бўлими, 4.3-бандига асосан тайёрловчи томонидан хўжаликка топширган пахта хомашёси ҳақи ўз вақтида тўланмаган тақдирда 15 фоизлик жарима, тўланмаган сумманинг 0,4 фоизи миқдорида кечиктирилган ҳар бир кун учун, лекин 50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўланиши лозимлиги белгиланган. Шунга кўра, «Учтепа пахта тозалаш» корхонаси «Мурод Бобо» фермер хўжалигига ўз вақтида тўлаб бермаган асосий қарз ҳамда 799 минг 609 сўм миқдоридаги жарима ва пеня тўловларини тўлашга мажбур.

Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 176-1-моддасига асосан шартнома интизомини бузганлиги учун маъмурий жавобгарлик масаласини кўриб чиқиш суддан сўралди.

Кези келганда таъкидлаш керакки, вилоятдаги «Пахтакор», «Дўстлик», А.Икромов номли пахта тозалаш корхоналарида шартнома шартларини бажармаган фермерларга нисбатан 25 фоизлик жарима қўллаш ҳоллари ҳам учрамоқда. Кўриниб турибдики, шартнома интизоми қатъий бўлиб, уни тўлатўкис бажаришга ҳар икки томон ҳам бирдек масъулиятлидир.

Мирзааҳмад РАЖАБОВ,
Жиззах вилоят Адлия бошқармаси шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бўлими етакчи маслаҳатчиси

Қумқўрғон туманидаги «Оқжар» фуқаролар йиғинига қарашли «Жийдали» маҳалласида ўндан ортиқ миллат вакиллари аҳиллиқда яшашмоқда. Маҳалладошлар ўртасидаги ўзаро самимий муносабат ва меҳр-оқибатлиликни кўриб ҳар қанча ҳавас қилса арзийди. Бунда маҳалла фаолларининг ҳам катта жонбозлиги борлигини алоҳида тилга олиш лозим. Улар ҳудудда яшовчи кам таъминланган оилалар, ногиронлар ва ёлғиз кексалар ҳолидан тез-тез хабар олиб туришади.

МЕҲР УЛАШИБ

Яқинда маҳалла қўмитаси томонидан I гуруҳ ногиронлари – Очилди Эшмўминов, Пўлат Нормўминов, Холида Рўзибадалова, Бўрихон Сулаймонова ва Тоғай Бозоровларга кийим-бош ва озиқ-овқат маҳсулотлари меҳр-мурувват ёрдами тариқасида берилди. Шунингдек, саховатпеша ва савобталаб инсонлар кўмаги билан 50 та кам таъминланган ва кўп болали оила фарзандларига кийим-кечак, дарслик ва ўқув қуроллари ҳадя қилинди. Айниқса, ёшларнинг маҳаллада истиқомат қилувчи 11 нафар қаровчисиз қарияларни ёлғизлатиб қўйишмаётгани ибратга сазовор жиҳат. Маҳалла қўмитаси икки ёшгача фарзанди бор 30 та оилага ва ўн олти ёшга тўлмаган фарзандли 25 та оилага нафақа бериб келмоқда.

Турмушда ҳар хил ҳодисалар бўлиши мумкин. Хонадонларда турли сабабларга кўра келишмовчиликлар, қўйди-чиқдилар бўлса, дарҳол нуронийлар ва фаоллар аралашуви билан можаро барҳам топади. Ўтган йил ёзда шундай воқеа бўлган эди. Ота-ўғил ўртасида уйжой масаласида жанжал келиб чиққанди. Маҳалла оқсоқоллари уларни панд-насиҳат билан йўлга солишиб, сахий кишилар ўғилга алоҳида уй қуриб беришди. Яна бир қўли қисқа келин-куёвнинг никоҳ тўйини ҳам маҳалла аҳли баҳамжиҳатликда ўтказиб берди. Бундан ташқари, яқинда иш бошлаган бичиш-тикиш цехида 20 нафар қиз-жувон иш билан таъминланди.

– Ёшларни спортга қизиқтиришга алоҳида эътибор қаратганмиз, - дейди маҳалла қўмитаси раиси Абдусалом Ғаниев. – Шу мақсадда миллий кураш тўгарагини ташкил этдик. Вакилларимиз «Маҳалламиз полвонлари» мусобақасининг вилоят босқичида 2-ўринни эгаллашди. Футбол жамоамиз эса туман миқёсидаги мусобақада биринчи, вилоят бўйича иккинчи ўринни қўлга киритишди.

Д. РУСТАМОВ

Пойтаҳт вилоятининг Қуйи Чирчиқ туманидаги «Ўзбекистоннинг 5 йиллиги» тажриба хўжалиги ҳудудида 12 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси ночор, кўп болали оилаларга ногирон ва яккаёлғиз қарияларга узлуксиз ёрдам кўрсатиб келяпти. Айниқса, Ш.Ортиқова, Ф.Султонова, Ф.Мавлонова, Н.Сахарова сингарилар доимий эътиборда. Яна шунингдек, ҳудуддаги мактаб ва болалар боғчалари ҳам хўжалик ва касабақўм оталиғига олинган.

Суратда: хўжалик касаба уюшма қўмитаси раиси Баҳодир Бойбўтаев (чапдан биринчи) касаба уюшма фаоллари билан.

МЕҲНАТИГА ЯРАША

Бухоро туманидаги "Работиқалмоқ" қишлоқ фуқаролар йиғини "Маданият" ҳиссадорлик жамияти ҳудудида ўтказилган кўрик-танловда "Энг яхши фуқаролар йиғини" номинациясига сазовор бўлди ва замонавий компьютер билан тақдирланди.

Мазкур фуқаролар йиғини аҳолиси ўзларига ажратилган ҳудудда катта ҳажмда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларини амалга оширишди. Жумладан, 10 минг тупдан зиёд турли мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтказишди, хилма-хил гуллар экишди. Ўз навбатида "Маданият" ҲЖ ҳам фуқаролар йиғинига амалий ёрдам кўрсатиб келмоқда. Ўтган йили маҳаллалардан 12 нафар қиз-жувон бирлашмада зардўзлик бўйича ўқишиб, шу ҳунар сир-асрорларини қунт билан ўрганишди.

"Туркистон-пресс"

Сурхондарё вилоят ИИБ ЙҲХ бошқармасидан олинган маълумотларга қараганда, ўтган йил давомида вилоят ҳудудида 499та йўл-транспорт ҳодисаси рўй берди.

БЕМАВРИД УЗИЛГАН ЯПРОҚЛАР

Натижада 514 нафар одам у ёки бу даражада тан жароҳатлари олди. Ҳамма биладиган битта ҳақиқат бор: инсонга ҳаёт бир марта берилади. Шундай экан, уни эҳтиётламоқ керак. Ўтган йилда йўл-транспорт ҳодисалари туфайли 138 киши ҳаётдан кўз юмди. Тирикликнинг улуғ дарахтидан узилиб тушган шунча жонга, умидвор инсонларга ачинасан киши. Ҳолбуки, шундай бўлмаслиги мумкин эди, ҳолбуки . . .

Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаларининг ҳар учтадан биттаси пиёдалар айби билан ва яна шунчаси вояга етмаган болаларнинг эҳтиётсизлиги туфайли юз берганлигини таъкидлашмоқда.

"Туркистон-пресс"

ИТАЛИЯ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА

«Оқолтиндон» акционерлик жамияти цехларида печенье ишлаб чиқариш бўйича Италиянинг «LASER» фирмаси ускуналари ўрнатилмоқда. Бу ердаги монтаж ишлари Наврўз байрами арафасида якунланади.

Янги технология «Пахтабанк» томонидан ажратилган маблағ эвазига сотиб олинди. Бу ерда 12 турдаги печенье маҳсулотлари тайёрланади. Ишлаб чиқарувчилар ўз маҳсулотларини нафақат Ўзбекистонда, балки хорижда ҳам сотишни режалаштирмоқда.

ТАДБИРКОРЛАР САЛОҲИЯТИ ОШМОҚДА

Андижон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасида «Ташаббус-2004» кўрик-танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Унда иштирок этган 65 нафар ҳунарманд ва тадбиркор, 14 та фирма ўз товар ҳамда хизматларини намойиш этди.

Ҳунармандлар маҳорати ҳам тобора ортиб бормоқда. Улар юмшоқ ўриндиқ ва диванлар тайёрлаш билан бир қаторда, офис стол ва стуллари, компьютерлар учун столлар, жавонлар ишлаб чиқаришни ҳам ўзлаштирмоқда. Масалан, хусусий тадбиркор Абдурасул Исроилов ана шундай маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Танловда у рағбатлантирувчи мукофотга сазовор бўлди. «Саноат-ленд» масъулияти чекланган жамият бир йил ичида ўз айланма маблағини 10 марта кўпайтиришга эришди. Хўжалик моллари ишлаб чиқарувчи ушбу корхона раҳбари Дилшод Мамадиев энг яхши тадбиркор деб топилди. Шунингдек, танлов ҳайъати «Интер-саноат», «Супермод», «Армандо люкс» ва бошқа фирмалар фаолиятини юқори баҳолади.

- Биз спортга бўлган эътиборни ҳисобга олиб, биринчи марта болалар спортини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун мукофот таъсис этдик,- деди Андижон товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раиси Ш.Музаффаров. - Бу мукофотга «Соғлиқ-XX1 аср» фирмаси сазовор бўлди. Фирма ишлаб чиқараётган спорт тренажёрлари хорижникидан анча арзон бўлиб, ҳозирда қишлоқ хўжалик институти ва шаҳардаги учта маҳаллада ўрнатилган.

(ЎзА)

Информация о существенном факте

Порядковый номер сообщения-09

Наименование эмитента: **«SUV INVES» ОАО**
Местонахождение: **г.Ташкент, ул. Буюк Турон, 75**
Существенный факт: **решение общего собрания**
Вид общего собрания: **внеочередное**
Форма проведения общего собрания: **очное**
Дата проведения общего собрания: **16.02.2004г.**
Место проведения собрания: **г.Ташкент, ул. Буюк Турон, 75**
Кворум общего собрания: **1000 акций**
Повестка дня: **новая редакция Устава**
1-вопрос: Вывести из состава учредителей Ассоциацию «Suvsanoatqurilish»
за - единогласно;
2-вопрос: ввести в состав учредителей ООО «O'RTA OSIYO MASLAHAT» -49%
Уставного фонда и Арипову Шохисту Наримановну - 1% Уставного фонда
за - единогласно;
3-вопрос: внести изменения в устав и утвердить новую редакцию Устава
за - единогласно;

Илҳом

СОАТ ФАЛСАФАСИ

«Чиқ, чиқ, чиқ»,
Сира тўхтамайди соат миллари,
Тўхтаб қолса ҳамки инсон юраги.

«Чиқ, чиқ, чиқ»,
Умринг ўтмоқда дер, у холис, сезгир,
Огоҳ этар бизни гўё донишманд.
Орқангга қарасанг сония-умр,
Билмаймиз, беш кунлик меҳмонмиз гарчанд.

«Чиқ, чиқ, чиқ»,
Ҳамон тўхтамайди соат миллари,
Чегара билмайди, билмас тараддуд.
Тафаккур меваси-соат кашфиёт,
Инсон хаёлоти билмайди ҳудуд.

«Чиқ, чиқ, чиқ»,
Ҳамон тўхтамайди соат миллари.

* * *

Ким яшар меҳрдан бебаҳра агар,
Фақат мол-дунёга сиғиниб узоқ,
Нафис туйғуларни сезмасдан яшар,
Манфаат ва ёлғон йўлида маёқ.
Топгани ўзига юқмайди, зотан,
Тинчгина ризқини кавшамас, ажаб.
Бировнинг ҳақидан юлишни ўйлар,
Эрта-кеч фойдани кўзлайди тежаб.
Шунда ҳам Худонинг берган шу ризқи,
Иккита нон емас битта қорнига.
Беш кунлик умрини ёлғон-ла безар,
Ачинмас
Ва қилмас шукр борига.

ЯХШИЛАР ҚАЛБИ

Яхшилар қалбида порлайди қуёш,
Мен унинг тафтида меҳрни сездим.
Бу дунё ўткинчи, беш кунлик дунё,
Ғанимат дунёда меҳр бўй чўзди.

Яхшилик қолгуси, яхши ном мангу,
Бир ғариб кўнглини айласа обод.
Яхшиларнинг доим нурлидир юзи,
Улар-ла бўлолсам кошки умрбод.

Дилором ҲУСАЙН қизи

Эзгуликнинг чеки йўқ. Ўз касбининг моҳир усталари имкониятдан келиб чиқиб халқ манфаати учун хизмат қилишни бахт, деб биладилар. Нишонлик муаллим Абдулла Қаҳҳоров ҳам шундайлардан.

Ибрат

МАКТАБ ҚУРГАН МУАЛЛИМ

– Абдулланинг бошлаган хайрли ишига дастлаб ишонқирамай қараганлар ҳам бўлди, – дейди туман халқ таълими бўлими мудири Рустам Бозоров. Лекин у айтган сўзининг устидан чиқиб, шубҳа-гумонларни тумандек тарқатиб юборди.

Тумандаги «Пахтаобод» қишлоғида 3 мингдан ортиқ аҳоли яшайди. Қишлоқ шароитидан келиб чиқиб, Худойқул Жамолов номли 31-мактаб директори Абдулла Қаҳҳоров отаси Пўлат Қаҳҳоровнинг ишини давом эттириб мактаб ўқитувчилари ҳамда ўз маблағи ҳисобидан қўшимча синфхоналар қурди. 1-7-синфларда ўқиётган болалар учун мослаштирилган хоналар айни муддао бўлди.

– Отам Пўлат Қаҳҳоров ҳам 30 йилдан ортиқ ўқитувчилик қилган. У бошлаган хайрли ишларни давом эттираётганлигимдан хурсандман, – дейди мактаб директори. Нафақада бўлишларига қарамай, отам ҳамон мактабнинг моддий базасини яхшилаш учун ҳаракат қилаётганликларини кўриб тинч туролмадим. Дастлаб қишлоқда 3 та синфхонадан иборат бошланғич мактаб фаолият кўрсатган бўлса, айни пайтда синфхоналар сони 10 тага етди. Маблағ эса мактаб ўқитувчиларининг ҳомийлик ҳисобидан амалга оширилди. Мустафо Зоиров, Отамурод Айматов, Ҳамид Қаршиев, Абдувоҳид Худойбердиев, Абдураззоқ Рўзиев сингари ўқитувчилар мактаб қуришда яқиндан кўмак бердилар. Туман ҳокимлиги, халқ таълими бўлимининг бевосита кўмаги билан мактаб учун янги жиҳозлар келтирилди.

Келгусида қишлоқда 400 ўринли замонавий мактаб биносини қуриш учун лойиҳалаштириш ишлари бошлаб юборилди.

Шавкат СУЛТОН,
«Ишонч» мухбири



Турон яккакураши

ТАРМОҚ СПОРТЧИЛАРИ

умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритишди

Турон яккакураши тобора оммалашиб бораётган миллий спорт турларидан бири ҳисобланади. Республикамизда бу спорт тури билан шуғулланувчилар сони, айниқса, кейинги йилларда сезиларли равишда ортиб бораяпти. Яқинда пойтахтимиздаги Лабзак академик лицейи спорт мажмуида бўлиб ўтган турон яккакураши бўйича республика биринчилиги мусобақалари ҳам фикримизнинг яккол исботи ўлароқ кўзга ташланди.

Беллашувларда 1991-92 ҳамда 1993-94 йилларда туғилган ўсмирёшлар бир неча вазн тоифасида кураш олиб боришди. Барча вилоятлардан 500 нафарга яқин ёш спортчилар қатнашган биринчилик баҳслари ғоят қизғин баҳсларга бой бўлди.

Эътиборга молик жиҳат шуки, ушбу нуфузли мусобақада касаба уюшма спорти вакиллари ҳам муносиб иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритишга муваффақ бўлишди. Тошкент вилояти касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамиятига қарашли 4-БЎСМ тарбияланувчилари тўққизта медал эгасига айланди.

– Таниқли мураббий Акром Шердонаев устозлик қилаётган ёш спортчиларимиз кўксини 5 та олтин, 3 та кумуш ва 1 та бронза медали безади, – дейди вилоят касаба уюшмалари жисмоний тарбия ва спорт жамияти БЎСМ директорлар кенгаши раиси Хусниддин Мирзаев. – Бу вакилларимизнинг республика биринчилигида умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни қўлга киритишлари учун имконият яратди. Шу ўринда ёш турончиларимизнинг малакалари тобора ортиб бораётганлиги, кўплаб маҳоратли спортчиларимиз етишиб чиқаётганлигини алоҳида мамнуният билан таъкидлашни истардим.

К.ОЛЛОЁРОВ,
«Ишонч» мухбири

АВИАМОДЕЛЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамда Республика техник ва амалий спорт турлари маркази ташаббуси билан Сирдарё вилоятида авиамоделлар бўйича мамлакат биринчилиги бўлиб ўтди.

Икки кун давом этган беллашувларда Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган 48 спортчи куч синашди.

Умумжамоа ҳисобида биринчи ўрин самарқандликларга, иккинчи ўрин пойтахт вакилларига насиб этди. Андижонлик авиамоделчилар учинчи ўринни қўлга киритишди.

Тўланбой ака Қўшоқов у пайтларда Кўрғонтепа туманидаги собиқ «Қаҳрамон» жамоа хўжалигида ишларди.

Турмуш чорраҳаларида

ЭНГ АВВАЛО ИНСОН БЎЛАЙЛИК

Табиатан болажон, оилапарвар одам эмасми, меҳнат таътилини қизи, завжаси билан дунё кезиб, кўнгил ёзмоқчи бўлди. Дастлаб Нева бўйида сўнгра Москвада тўхтаб ўтишни ният қилди. Сабаби, тўқимачилик корхоналарининг бирида Ўзбекистон йўлланмаси билан тўнғич қизи Раҳимахон ишлар, Москвада эса Мастурахонни академик Федоров кўз клиникасида даволатишни ўйлаб қўйганди.

Яқинлари даврасида сайру саёҳат қилишнинг гашти бўлакча. Эр-хотин поезд ғилдираклари гувури остида, стакандаги ширин чойдан дам-бадам хўплаб,бўлажак саёҳат таассуротлари таъсирида ўй суриб боришарди. Арис бекатига етганда, кўнгилсизлик юз берди. Соппа-соғ чақчақлашиб кетаётган Ўктамхон бирданига ҳолсизланиб, қўлидаги стакан тушиб кетди. Навбатчи шифокорлар унинг овқатдан заҳарланганлигини айтишди.

... Саратовга етганларида беморнинг аҳволи оғирлашди. Шифокорлар Ўктамхонда сариқ касаллиги бошланганлигини, бундай касаллик билан оғриганлар йирик шаҳарларга қўйилмаслигини айтишди. Ўша пайтларда кўчалар, шаҳарларнинг бинолари пештоқларига «Ҳамма бир киши учун, бир киши ҳамма учун», деган қизил шиорлар ёзиб ташланганлигини ким билмайди, дейсиз. Уларга чиппа-чин ишонган фирқа котиби Тўланбой ака Саратовда қўналга истаб бош суқмаган касалхонаси, меҳмонхонаси қолмади.Бемор хотини, ногирон қизига ҳеч кимнинг раҳми келмади.

...«Узат-узат»лардан кейин ноилож ўзига ётоқхона, Ўктамхонга касалхонадан жой топилди. Она-болани шифохонанинг қабулхонасига топшириб, қизи Раҳимахон томонга самолётда учди. Она билан болани тезроқ юз кўриштириб, хотинининг дардига малҳам бўлишни ўйларди.

... Қизи Раҳимахон билан касалхонага кириб келаркан, Ўктамхоннинг аҳволини кўриб, тарвузи қўлтиғидан тушди. Бемор жой йўқлигидан шифохонанинг балконида совуқда дийдираб бир аҳволда ётарди. Хотининг ич-ичига ботган кўзларига назар ташлаб, синиқ овозидан юрак-бағри эзилиб кетди. Мадад ва кўмак излаб тўғри Саратов шаҳар ижроқўми биносига кириб борди. Тўланбой ака котиба Мария Степановага ўзининг саргардонлигини, шаҳар касалхонасидаги аҳволни гапириб берди.

Ўзбек миллатининг меҳру гиёси, бағрикенглигидан баҳраманд бўлмаган ким бор?! Мария Степанова уруш йилларида ота-онаси билан Тошкентда кўним топган минглаб оилалардан бири эди. Мария Тўланбой акага Қўйлиқ ота даҳасидаги темирйўлчи хонадонига қандай кўчиб борганликларини, ўзбек оиласи ўша оғир йилларда топган бир бурда нонини улар билан биргалашиб баҳам кўрганини, уруш тугаб Марияларнинг оиласини Ватанига кузатаётганларида рўзғор боши Ғулом ака кампири билан меҳмонлар қўлига йўлда озиқланиш учун кулчалар, туршак, егуликлар солинган тугун тутқазганларини,перонда кўзда ёш билан қолганликларини ҳикоя қилди. Марияннинг қўнғироғи билан Тўланбой акага меҳмонхонадан жой топилди. Ўктамхонга эса, алоҳида палата ажратилди. Бинобарин, меҳр-оқибат бир баҳри уммонки, қалбларга оқиб кириб яхшилик, хайру саховат уруғларини ундиради. Бир мустаҳкам кўприкки, кўнгилларни-кўнгилларга ошно қилиб қон-қариндошлик, биродарлик, мурувват ришталарини боғлайди.

Чиқмаган жондан умид, дейдилар. Марияннинг ёрдами билан шаҳарнинг энг таниқли шифокорлари беморни муолажа қилишга киришдилар. Тўланбой аканинг бир оёғи Саратовда бўлса, бир оёғи Москвада бўлди. Кенжаси Мастурахоннинг кўзини даволатарди.

Аммо у айрилиқ остонасида турганлигини билмасди. Москвадан қайтиб касалхона эшигидан кириши билан Раҳимахон «дада, онамдан жудо бўлдик!»– дея нидо билан отасининг бағрига отилди.

Бу жудолик ҳали ҳолва экан. Маъмурлар майитни ўз юртига олиб кетилишига тиштирноғи билан қаршилик қиладилар. Бунда Марияннинг аралашувлари ҳам иш бермади. Миллат, эл-элатларнинг аньана, қадриятлари билан биров ҳисоблашмасди. Чунки Саратов шаҳрининг одатларига кўра, марҳумлар крематорийда куйдирилиб, кули қабристонга дафн қилинар экан. Тўланбой ака санитария, дафн бюроси идоралари остоналарида сарғая бошлади. Самолётда уч жон – ўзи, Раҳимахон, Мастурахон, бунинг устига тобут билан Андижонга учиши керак. Йўлкира ҳам саноғи билан қолган... Ҳеч кимдан мадад йўқ. Шаҳарнинг ор-бўронида идорама-идора кезишлар, энг яқин кишисидан жудолик тинкасини қуритган, осмон узоқ, ер қаттиқ эди.

Ўша оғир кунларда ҳамқишлоғи Мадаминжон ака Ҳасанов хаёлига келади. У катта лавозимда – республика савдо вазири бўлиб ишлаётганди. Тўланбой ака Тошкент билан боғланиб Мадаминжон акани вазиятдан огоҳ қилди. Отахон савобли ишларга белини боғлаб турадиган оиладан чиққан. Хоҳ катта, хоҳ кичик ишларда бўлмасин, маҳалладошлар, йўқсиллардан моддий-маънавий кўмагини аямаганлигини, уларни қўллаб-қувватлаганини ҳозиргача қорасувликлар тилидан туширмайдилар. Киндик қони тўкилган даргоҳни унутмаган одамлар одатда шундай бўлади.

Меҳр-мурувватга инсон ҳамиша ташна. Баъзан у бир оғиз сўз, дилкаш муомала ёки ёқимли имо-ишора билан ҳам қадр топади. Тўланбой ака Қўрғонтепа тумани ижроқўм раиси ўринбосари бўлиб ишлаган Марҳабохон Тожибоева ҳақида ҳам илиқ гапларни айтди:

– Инсон одамижонлигини билмоқчи бўлсанг, амалга миндириб кўр, деган гап бор. Аҳволдан хабар топгач, Марҳабохон дафн маросими билан боғлиқ ишларни тахт қилибди. Хонадондаги барча тайёргарлик юмушлари, қариндош-яқинларни хабардор қилиш, Андижондаги тайёрагоҳга машина юбориш, қабристонни ҳозирлашга ўзи бош-қош бўлди. Мотам кунлари ҳам сингил каби туғишганлари қаторида туриб ҳамдардлик қилди.

Тўланбой ака ҳозирда вилоят ногиронлар жамиятини бошқармоқда. Саратовдаги воқеалар дилида муҳрланиб қолган. Инсон ўткинчи, аммо меҳр-мурувват боқий, дейди у.

Собиржон РЎЗМАТОВ,
«Ишонч» мухбири

ПЕДАГОГИК ТАВСИЯЛАР

Ўқувчи ёшларда комил инсон фазилатини шакллантириш йўлида олиб борилаётган маърифий тадбирлар қатор муҳим илмий-педагогик масалаларни ўз ичига олади. Ўзбекистон Педагогика фанлари институти олимлари амалга ошираётган изланишлар ҳам айнан ушбу муаммога қаратилган.

«Ўрта умумий мактабда ўқувчи шахсини шакллантиришнинг педагогик асослари», деган мавзудаги тадқиқотлар ҳам қутилган натижасини бермоқда. Мазкур илмий-педагогик йўналишнинг самарадорлигига эришиш мақсадида амалиётга ўқитувчилар бой тажрибаларига таянган ҳолда қатор янги фикрлар илгари сурилди.

Ўқувчи ёшларнинг мустақил ижодий фикрлашини ривожлантириш бўйича тайёрланган педагогик тавсиялар эса жойларда амалиётга татбиқ қилина бошланди.

ХАЙРИЯ ТАДБИРИ

Ўтган йилнинг февраль-март ойларида республикамизнинг таълим муассасаларида «Мактаб-кутубхона-оила-жамоат—ташкилотлари» хайрия тадбири ўтказилган эди. «Умумий ўрта таълим муассасалари кутубхоналари фаолиятини такомиллаштириш ҳаракат дастури» доирасида уюштирилган бу маърифий-маданий тадбир давомида кўп миқдорда маблағ қўлга киритилди.

Маълумки, 2003-2004 ўқув йили умумий ўрта таълим муассасалари кутубхоналари фаолиятини такомиллаштириш йили, деб эълон қилинди. Шу муносабат билан юқорида айтиб ўтилган хайрия тадбирини давом эттириш лозим деб топилди.

Шу кунларда «Мактаб-кутубхона-оила-жамоат ташкилотлари» хайрия тадбири бошлаб юборилди.

Бу хайрли ишнинг якуний босқичи 18-20 апрел кунларида ўтказилади. Республика илмий-педагогика кутубхонаси ана шу жараёнга масъуллик қилиб, ҳар бир босқичнинг кўнгилдагидек бўлишини таъминлаш режаларини ишлаб чиқди.

Хайрия тадбири мактаб ўқувчиларининг китобхонлик маданиятини оширишда муҳим илмий-педагогик омил бўлиб хизмат қилади.

А.АЛИЕВ

ҚУЛАЙЛИК

Нурота туман шифокорларига қўшни Конимех, ҳатто Қўшработ тумани аҳолиси ҳам шифо истаб тез-тез мурожаат қилмоқда. Бунинг асосий сабаби бу ерда азал-азалдан ўз касбининг устаси бўлган кўплаб диёнатли саломатлик посбонлари меҳнат қилаётгани бўлса, иккинчидан Нурота табобатхоналари мустақиллик йилларига келиб энг замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан таъминлангани, янги бўлимларнинг иш бошлагани бўлди. Марказий шифохонада Финляндиянинг «Медико-Медикал» фирмаси билан ҳамкорликда вилоятда биринчи бор замонавий шошилинч тиббий ёрдам бўлими ишга туширилди. «Саломатлик маркази» тубдан қайта таъмирланди. Лабораторияларга УЗИ, ЭКГ аппаратлари олинди. Шифохоналар ва қишлоқ врачлик пунктлари учун янгидан 5 та «Дамас», 6 та «УАЗ» тиббий ёрдам машиналари келтирилди. Туман марказидан олисда жойлашган Қирғовут, Попанай, Жилонтомғали аҳоли пунктларига хизмат кўрсатувчи машиналарга радиотелефон, Ғозғон, Оқтепа ҚВПларидаги машиналарга уяли телефон ўрнатилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда қишлоқлар аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва суръати тубдан яхшиланди. Ўтган ўн йилдан ошиқ вақт мобайнида 11 та қишлоқ врачлик пункти қурилиб, энг охирги русумдаги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиб фойдаланишга топширилди. 3 та фельдшерлик-акушерлик пункти замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланди.

Шифо масканларини малакали мутахассислар билан таъминлаш, уларни тиббиёт оламининг сўнгги ютуқлари асосида қайта ўқитиш доимо эътибор марказида турибди. Ҳозир Нуротада ишлаётган врачлардан 40 фоизи, ҳамширалардан 42 фоизи тоифага эга. 2 шифокор республикада хизмат кўрсатган тиббиёт ходими, 1 киши «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирланган. Касалхоналарда меҳнат қилаётган 34 шифокор кейинги йилларда умумий амалиёт врачлигига ўқитилди, 2 нафар умумий амалиёт врачи Эстонияда, 1 нафар акушер-гинеколог Киев шаҳрида малака ошириб қайтди.

Соҳиба АЪЗАМОВА,
«Ишонч» мухбири

«МЕҲРИБОНЛИК УЙИ» — МАҲАЛЛА ОТАЛИҒИДА

Жиззах шаҳридаги «Олмазор» маҳалла фуқаролар йиғинига «Эл-юрт ҳурмати» ордени нишондори Ғани ота Обидов бир неча йилдан буён раислик қилиб келмоқда. Маҳаллада 1339 хонадон бўлиб, уларда 5200 киши истиқомат қилади. Одамлар аҳил-иноқ, ён-атроф саранжом-саришта. Бу ерда «Энг намунали кўча» кўрик-танловлари ўтказиб борилганлиги боис сўнгги йилларда бирон-бир жиноят содир этилгани йўқ. 10 нафар кўча оқсоқоллари халқ посбонлари билан ҳамкорликда маҳалла осойишталиги учун масъул.

Лекин ҳаёт давом этаркан, муаммолар ҳам учраб туради. Яқинда 28 нафар эҳтиёжмандлар моддий ёрдам сўраб мурожаат қилди. Уларга 581 минг сўм ёрдам кўрсатилди. 110 нафар 2 ёшгача боласи бор оилаларга 10 миллион 164 минг сўм, 16 ёшгача боласи бор 294 та оилага 14 миллион сўмлик нафақа тайинланди. Маҳаллада 89 нафар I-II гуруҳ ногирон, 329 нафар нафақахўр, иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси 4 нафар, 12 нафар байналмилалчи жангчи истиқомат қилишади. Улар маҳалланинг саховатли тадбиркорларига бириктириб қўйилган.

Маҳалла фаолларининг саховатли ишлари жуда кўп. Жиззах шаҳридаги 29-«Меҳрибонлик уйи»ни маҳалла фуқаролар йиғини оталиққа олган. Меҳр кўзда деганларидек, фаоллар бу масканга тез-тез келиб, қалби ўксик 85 нафар боланинг ҳолидан хабар олиб туришади. Ўрни келганда ҳам моддий, ҳам маънавий кўмакларини аяшмайди. Икки йил муқаддам олти гектарлик боғ ташкил этилган эди. У ҳосилга киргунга қадар дарахт кўчатлари оралиғида сабзавот ва полиз маҳсулотлари етиштириб келинмоқда. Ўтган йили кузда икки машина маҳсулот «Меҳрибонлик уйи»га тортиқ қилинди.

– Ҳамжиҳатликда гап кўп экан, - дейди маҳалла фуқаролар йиғини котиби Орзиқул Сувонқулов. – Бундан икки ойча бурун Комил Ёрматов кўчасидаги 19-хонадонда ёнғин содир бўлди. Дақиқалар ичида Азим Ҳакимов хонадони батамом ёниб, кулга айланди. Шунда бутун маҳалла аҳолиси оёққа турди. Кўни-кўшнилари бу оилани бағрига олишди. Кўча оқсоқоли Ризохон ота Порсаханов, маҳалла раиси Ғани ота Обидовларнинг саъй-ҳаракати ва маҳалла аҳлининг ҳиммати туфайли икки ҳафтадаёқ ҳашар йўли билан янги уй қурилди. 350 минг сўмлик моддий ёрдам берилди. Биров гилам, полос, яна биров кўрпа-тўшак, идиш-товоқдан ёрдамлашди. Бир ой ичида Азим Ҳакимов оиласи қайта тикланди.

Маҳаллада болалар спортига ҳам алоҳида эътибор берилаяпти. Маҳалла ўз стадионига эга. «Гулзор», «Наврўз» кўчаларида спорт майдончалари барпо этилди. С.Санақулова номли мактабнинг очиқ ва ёпиқ спорт заллари ва майдончалари маҳалла болалари ихтиёрига бериб қўйилган. Улар ўнлаб спорт турлари билан шуғулланиш имкониятларига эга. Ўтган йили 14-16 ёшли болалар ўртасида ўтказилган «Футболимиз келажаги» беллашувининг республика босқичида маҳалла жамоаси учинчи ўринни эгаллаб, Оқсоқоллар кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамғармасининг дипломи ҳамда кубоги билан тақдирланди.

Ҳашар йўли билан маҳалла гузарида қисқа муддатда мажлислар зали, милиция таянч пункти, тиббий хоналар, сартарошхона, радио-телевизор устахонаси, пойафзал ва тикув цехлари, дорихона, Халқ банки бўлими, кўплаб савдо дўконлари фаолият кўрсата бошлади.

Маҳалла ўз ҳисоб-рақамига эга. Каттагина маблағи ҳам ҳам бор. Иккита трактор, иккита арава сотиб олинди. Айни пайтда техникалар ёрдамида маҳалла ҳудудида кенг кўламли ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилаяпти. Бундан бир неча йил муқаддам маҳалла ҳудудида 100 минг туб терак кўчатлари экилган эди. Ҳозирда бу тераклар қурилишбоп материал бўлиб қолди ва кам таъминланган оилаларга берилмоқда. Маҳаллада аҳолини ер участкалари билан таъминлашда хайрли ишлар қилинаётир. 2003 йилнинг ўзида 60 кишига уй-жой қуриш учун ер ажратилди. 20 нафар фуқаро уй тўйлари ўтказишди.

Бўрибой НОРҚУЛОВ,
«Ишонч» мухбири
Суратларда: маҳалла ҳаётидан лавҳалар

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.
Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган
Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.00

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134
Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Тиражи: 20242 Буюртма Г— 217 1 2 3 4 5